

**Давлат тиббий сұғуртаси жамғармаси методология бўлими томонидан  
2025 йил 11-14 март кунлари амалга оширилган ишлар**

**ХИСОБОТИ**

1. Бўлимга “ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали келиб тушган ҳужжатларга ўз вақтида ва тўлиқ жавоб берилди ҳамда берилган топшириклар бажарилди.

2. Норматив-хуқуқий ҳужжатларни идоралараро келишиш портали “project.gov.uz” орқали 1-та келиб тушган ҳужжат лойихани тўлиқ ўрганиб чиқилди ва ДТСЖ тамоиллари акс эттирилган таклифлар киритилди.

3. 2025 йил 10 март куни Соғлиқни сақлаш вазирлигига Туркиядан келган мутахассислар билан режалаштирилган учрашувида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Ахолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами қўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш чоралари тўғрисида”ги Қарори лойихаси муҳокама қилишда катнашилди.

4. 2025 йил 11 март куни Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ижроия қўмитаси томонидан тақдим этилган МДҲ иштирокчи – давлатлари ўртасида меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларини тиббий сұғурталаш масалалари бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги Битим лойихаси муҳокамасида онлайн тарзда иштирок этилди.

5. “Оилавий шифокорлик фаолиятини юритиш талаблари ва унинг фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисида Низом” лойихаси йашлаб чиқилмоқда.

6. Фтизиатрия ва пулмонология тиббиёт муассасалари билан тузиладиган шартнома лойихаси ҳамда кафолатланган пакет доирасида қўрсатиладиган тиббий ёрдам рўйхати ва ҳажми М. Калиев билан муҳокама қилинди ва шартномани янгилаш жараёни давом этмоқда.

7. Жорий йил 12 март куни Соғлиқни сақлаш вазирлигига Туркиядан келган мутахассислар учрашувида бўлимнинг ходимлари катнашиб, тиббий сұғуртасидаги Қонунни йашлаб чиқиши ва тиббий хизматлар пакетлари нархини белгилаш масаласини муҳокама қилинди.

8. Туркиялик мутахассислардан олинган маълумотлар асосида тиббий хизматлар пакетининг дастлабки нархлари шакллантирилди.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргалиқда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида қўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларини шакллантириш ҳамда тасдиқлаш тўғрисида” Қарори лойихаси муҳокама қилинди.

10. 2025 йил 12 март куни Германия Халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) ходимлари билан “Давлат тиббий сұғурта тизимини жорий этиш” мавзусида тиббиёт муассасалари раҳбарлар учун ўқув дастур тайёрлаш ва ўтказиш ҳамда давлат тиббий сұғуртаси доирасида молиялаштириш механизmlарини бўйича кўлланма тайёрлаш масалалари муҳокама қилинди.

11. Жамғарманинг юристи билан биргалиқда Ўзбекистон Республикаси Давлат тиббий сұғуртаси жамғармаси ва Қозогистон Республикаси нотижорат акциядорлик жамияти Ижтимоий тиббий сұғурта жамғармаси ўртасидаги ҳамкорлик ҳакида меморандум лойихасига таклифлар киритилди.

12. Литва Республикасининг Мажбурий тиббий сұғурта жамғармаси вакиллари билан ZOOM платформаси орқали видеоконференц орқали онлайн йигилишда иштирок этилди. Мазкур йигилишда Ўзбекистондаги давлат тиббий сұғурта тизими ҳақида тақдимот ўтказилди.

13. Шартнома мунособатлари бўлимига ДТСЖ билан тиббиёт ташкилотлари ўртасида тузиладиган шартномаларнинг 1-иловаси (кафолатланган пакет доирасида кўрсатиладиган тиббий ёрдам хажми) хужжатини ишлаб чиқиш ва уни уч тилда <https://shartnoma.dtsj.uz> сайтига жойлаштиришга тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатилди.

14. ПҚ-311-сонли қарор 3 илова 16.2 банди ижросини таъминлаш мақсадида, Худудий бўлинмалар томонидан "Давлат тиббий сұғуртаси механизmlарини Маҳаллабай тарғибот қилиш" да марказлашган ижро назорати йўлга қўйилди, умумлаштирилган режа ишлаб чиқилди ва умумлаштирилган ҳисобот тайёрланди.

15. "DMED" электрон ахборот дастурида фаолият юритиш билан боғлик муаммоларни ҳал этиш бўйича ишчи гурух таркибида фаолият олиб борилмоқда.

16. ICHI классификаторидаги кодлар қайта кўриб чиқиш жараёни давом этмоқда.

17. Муассасаларни "Аҳоли жон бошига", "Глобал бюджет" ва "ҳар бир даволанган ҳолат учун" молиялаштириш усуллари тўғрисида презентациялар тайёрланди.

18. "Давлат тиббий сұғуртаси жамғармаси тизимида молиялаштириш механизmlарини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Вазирлар Маҳкамаси қарор лойиҳасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

19. "Давлат тиббий сұғуртаси жамғармаси тизимида молиялаштириш механизmlарини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси корори лойиҳаси бўйича келишмовчилик жадвали тайёрланмоқда.

**Методология бўлими бошлиғи**

**М. Садирова**